

Әдебиятлар

1. Алламбергенова Г.К. Каракалпак эпосларының сырт еллерде үйренилуиниң базы бир мәселелери, //«Илим хэм жәмийет», № 2, 2015; Каракалпак халық дәстаны «Едиге» узак-жакын сырт ел алымлары нәзеринде. //«Илим хэм жәмийет», № 3, 2015; Some issues of the comparative-typological method. //«Илим хэм жәмийет», №2, 2016; Миф, ертеке хэм дәстан, //«Әмиўдәрәя», 2015, № 5, № 6; Ш. Ұәлиханов хэм каракалпак эпослары. «Халық аўызеки дәретиўшилиги миллий хэм улыўма инсаный қәдриятлар системасында» халық аралық илимий конференция материаллары. -Нөкис: 2015; Каракалпак эпосларын типологиялық салыстырып үйрениўдиң гейпара мәселелери. / «Еш олимлар ва талабаларнинг «XXI аср-интеллектуал авлод асри» илимий-амалий анжуман материаллари. -Нукус: 2016.
2. Бахадирова С. Жумабай жыраў Базаров жыраған каракалпак халық дәстаны «Едиге» ағылшын тилинде. /«Еркин Каракалпакстан», 13-ноябрь 2008-жыл, №137 (18663); Каракалпак жыраўы халқымызды дүньяға танытпақта. /«Еркин Каракалпакстан», 9-июнь 2015-жыл, №70 (19688).
3. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. -М.-Л.: «Наука» ЛО. 1974.
4. Райхл Карл. Tyurckciy epos. -M.: Vost.liter, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қарақалпақ эпослары XX аср ва XXI аср бошларида чет элларда ўрганилиши масалалари кенг ёритилган бўлиб, унда ўша даврларда яшаб, ижод билан шуғулланган В.Тўғон, В.М.Жирмунский, К.Райхл каби чет эл олимларининг дostonларимизни ўрганиши, ташвиқ қилиши масалалари кенг ёритилган. Айниқса, немис олими К.Райхлнинг XX аср охири XXI аср бошларида қарақалпақ халқ дostonи «Едиге»ни ўрганиши, нашр қилиши, тадқиқ қилиши бoбидaғи хизмaтларига илмий нуктаи назардан ҳoлисoнa бaҳo берилгaн.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам изучения каракалпакских эпосов зарубежными учёными в XX и начале XXI века и анализу научных исследований зарубежных учёных, посвящённых изучению и пропаганде каракалпакских дастанов. Особое внимание уделяется оценке трудов немецкого учёного Карла Райхеля в конце XX и начале XXI века, посвящённых изучению и публикации каракалпакского народного эпоса «Едиге».

SUMMARY

The article is devoted to the issues of study of the Karakalpak epos by foreign scholars in the XX-th and at the beginning of the XXI-st century. There have been analyzed their research works, devoted to the study and propaganda of Karakalpak eposes. Special attention is given to the evaluation of the works of the German scholar Carl Reikhel done at the end of the XX-th and at the beginning of the XXI-st century and devoted to the study and publication of the Karakalpak folklore epos «Edige».

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ОБРАЗЛАРИ ТАВСИФИ

Н.Алламбергенова - ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: фольклор ва фольклоршунослик, дoston, қахрамон, бахши, бош образ, вариант, вариантлик.

Ключевые слова: фольклор и фольклористика, эпос, герой, бахши, главный образ, вариант, вариантность.

Key words: folklore and folkloristics, epic poem, hero, bakhshi, main character, variant, variation.

«Алпомиш» дostonининг туркий халқлар орасида кенг тарқалгани фольклоршуносларга аён. Ўзбекларда «Алпомиш», қарақалпақларда «Алпамыс», козoқларда «Алпамис ботир», олтойликларда «Алп Манаш», қозон татарларида «Алпамша», бошқирларда «Алпамша ва Барсин Хилу» [2:238] нoмлари билан машхур бўлган мазкур асарлар қарийб бир асрдан буён фольклоршунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Қарақалпақ фольклоршунослигида «Алпомиш» дostonини ўрганишга бағишланган бир қанча тадқиқотлар яратилди, диссертациялар химоя қилинди. Шу ўринда Қ.Мақсетов, Ж.Хошаниязов, Қ.Айимбетовларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, қарақалпақ фольклоршунослигида «Алпомиш» дostonининг саккиз варианты ёзиб олинб, муайян даражада тадқиқ қилинган. Илк нусха Жиёмурат жиров Бекмуҳаммад ўғли репертуаридан 1896 йили ёзиб олинб, 1901 йили Тошкентда А.А.Диваев томонидан нашр этилган.

Кейинчалик фольклоршунос Қалли Айимбетов 1934 йили Хўжамберген жиров Ниёз ўғли (Ўғиз жиров)дан дostonнинг яна бир вариантини ёзиб олиб, 1937 йили Москвада чоп қилдирган. Дostonнинг ушбу варианты 1941 йили Тошкентда А.Шомуродов таҳрири остида қайта чоп этилди. Худди шу вариант 1981 йилда Қарақалпақ фольклорининг йигирма жилдлигида Қ.Бойниязов ва Н.Айимбетовлар таҳрири остида нашр этилди. Мазкур нашр кейинги 1990 йилги алоҳида китоб ва 1995 йилда ёруғ қўрган қарақалпақ фольклорининг беш жилдлигидаги «Алпамыс»га асос бўлиб хизмат қилди.

1955 йили фольклоршунос А. Каримов томонидан ёзиб олинган Қияс жиров Қайратдинов варианты 1957 йили И.Сағитов ва А.Каримовлар таҳрири остида босиб чиқарилди. 1956 йилдан этиборан дostonнинг қарақалпақча вариантлари ўзбек фольклоршунослари томонидан ҳам тадқиқ қилина бошланди. Таниқли олим Мансур Афзалов Қиёс жиров томонидан қуйланган дostonни магнит лентаси воситасида ўрганди. Кейинчалик (1999) «Алпомиш» дostonидан парчадa нoтa ёзуви ва баъзи изоҳлар билан Файзулла М.Кароматли ва Тўрахожи Мирзолар таҳрири остида ўзбек тилида китобат қилинди.

1957 йилда Р.Хўжамбергенов томонидан ёзиб олинган Есемурат жиров Нурабуллаев варианты 1960 йили Қ.Мақсетов, Қ.Мамбетназаровлар таҳрири остида ёруғ қўрди.

Дostonнинг қолган тўрт варианты шу кунгача нашр қилинмаган эди. Булар – Арзимбет жиров (ёзиб олган Қ.Мақсетов), Қурбонбой жиров (ёзиб олган А.Каримов), Тангриберген жиров (ёзиб олган А.Жамалов), Карам жировлар (ёзиб олганлар А.Жамолов, Н.Камолов, Қ.Мамбетназаров) вариантларидир.

Ўзбекистон Республикаси ФА Қарақалпоғистон бўлими Н.Давқораев номидаги тил ва адабиёт институти олимлари томонидан «Алпомиш» дostonининг ёзиб олинган саккиз варианты кўп жилдли қарақалпақ фольклорининг 1-8 томларини ташкил этди. Дoston вариантлари ф.ф.д. С.Баҳадирова, ф.ф.д. Қ.Байниязов, ф.ф.н. Ж.Хошаниязов, ф.ф.н. А.Аланиязов ва бир қанча илмий ходимлар томонидан нашрга тайёрланди [3,4].

«Алпомиш» дostonининг қарақалпақ вариантлари ўзбек фольклоршунослари томонидан ҳам ўрганилиб келинмоқда. Бироқ юқорида тилга олинган кейинги тўрт варианты тадқиқот объекти сифатида таҳлилга тортилмаган. Ваҳоланки, дostonнинг ҳар бир варианты ижодқорнинг илҳом ва истеъдодига таяниб ўзига ҳослик касб этади. Масалан, дostonнинг Ўғиз жиров варианты

«Ертеде эйдем заманда,
Ол заманның қадиминде,
Жийдели Байын халқында,
Қоңырат деген ел еди,
Руўы еди ырғаклы,

Байбөри, Байсары деген еки теңлес бай болып, булардан үл-кыз дуньяға келди» [3,5] - деб бошланади ва Бойбүри билан Бойсари Жийдали Бойсун халқининг Қўнғирот эли ва «ирғаклы» уруғидан эди деб кўрсатилади.

Мазкур дostonнинг Карам жиров Нағимов вариантыда эса Бойбүри билан Бойсари Жийдали Бойсун халқининг қўнғирот уруғидан деб таърифланади ва насрда саяж усули билан берилади: «Бурынғы өткен заманда, сол заманның қадиминде, Жийдели Байсын халқында қоңыратлы руўында Байсары, Байбөри деген еки теңлес бай болып, булар дуньяға келип, дуньяның қызығы менен мал дуньясы көп

болып, уғайым-қайғысы жоқ болып, бир перзентке зар болып...»

Тангирберген жиров Торениязов вариантыда ҳам воқеаларнинг жуда қадимда бўлиб ўтгани таъкидлангани ҳолда, Бойбўри ва Бойсари Жийдали Бойсун элининг Кўнғирот деган халқининг икки тенгдош бойи деб таништирилади. Бу ўринда уруғ номи қайд қилинмайди.

Кўринадики, мазкур дoston вариантларининг бошланмалари бир-биридан наср ва назмда берилишидан ташқари ижодкорнинг поэтик истеъдодини намоён қилувчи бадиий сўзнинг таъсир кучи ифодаси билан ҳам фарқланади. Шундай экан, дoston вариантларини атрофлича таҳлил қилиш, асардаги миллат руҳияти, турмуш тарзи ва албатта, бадиияти жиловларини илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш давр талабидир. Шундай қилинса, халқнинг ифтихори бўлмиш «Алпомиш» дostonидаги миллий ва умуминсоний ғоялар замонамиз ёшлари ва кенг китобхонлар оммаси учун маънавий-ахлоқий кадриятга айланади.

Мазкур ишимизда Хўжаберган Ниёз ўғли – Ўғиз жировдан ёзиб олинган вариантнинг айрим образлари тавсифига муносабат билдирмоқчимиз.

Қорақалпоқ халқи қахрамонлик дostonи «Алпомиш»нинг бош қахрамони ҳам Алпомиш бўлиб, кўп жиҳатлари билан ўзбек Алпомишига ўхшаб кетади. Аммо унинг характерида, дунёкарашида шундай хусусиятлар борки, булар фақат қорақалпоқ Алпомишигагина тегишли бўлиб унинг миллий қахрамон сифатида шаклланишига асос бўлган.

Алпомиш Бойбўрининг ўғли. Унинг отаси Бойсуннинг энг кўзга кўринган бойларидан.

У ҳам бошқа алплар қатори жуда тез катта бўлади, ўн тўрт ёшида қучқувватга тўлади. Шунча кучни, ғайратни нимага сарфлашни билмай, дарвоза олдида қизларга гап отадиган одат чиқаради. Унинг бу ёмон одатини қизларидан эшитган Бойсуннинг қайвони келини бунга чидаб туrolмайди ва қизлари билан бирга бориб: «Бундай қилиб юргунча қалмоқлар қўлида талашда қолган хотинингни олиб келсанг-чи», - дея қаёққа оқишини билмай турган дарёни аниқ бир ўзанга солиб юборади. Эътибор берсак, «Бир хотин оламиз деб, сандираб ўламизми?» - дея бепарво ўтирган Алпомишга синглиси Қалдирғочнинг «нар-мода» деган сўзлари қаттиқ ботган ва йўлга отланишга мажбур қилган эди. «Алпамыс» дostonида ҳам келинининг гапларидан қаттиқ изза бўлган Алпамыс қиска сониялар ичида ўзгариб қолади. Шўхликлар қилиб, қизларга гап отишдан бошқасига ярамай юрган бола шу гапдан кейин бирдан катта бўлиб қолгандек, ному с ва ор ҳақида ўйлай бошлайди. Эгар-жабдукни олиб, Қултой бобосининг олдида боради ва ундан от сўрайди. Қултой бобо отни ўзи жиловлаб олиши мумкинлигини айтади. Мақсадини билгач, оқ йўл тилаб, ота-онасидан ҳам оқ фотиҳа олишни маслаҳат беради. Яёв кетган боласининг отда келаётганини кўрган Бойбўри ва онасининг кўнглига ғулғула тушади. Ё акаси, ё укаси бўлмаган ёлғизининг кетиб қолишдан хавотир сезади. Имкон қадар уни кетказмасликка ҳаракат қилади. Бироқ Алпамысни эшитгач, уни бо йўлдан қайтара олмасликларини билади ва унга оқ фотиҳасини бериб «Қачонгача кутайлик?» деб сўрайди. Сафарининг осон кечмаслигини билган Алпомиш олти ой муҳлат беришини, агар олти ой ичида келмаса, ўлди деб ҳисоблайверишини айтади ва хайрлашади.

Қалмоқлар юртига кираверишда олти балад тоғ бор эди. Бу тоғларнинг орасида қалмоққа қирувчи биттагина йўл бор эди. Бу йўлни Табан йўл деб аташар эди. Барчин шартига кўра отини мана шу тоғда боқмоқчи бўлиб келган қалмоқ алпи Қоражон мана шу тоғ йўлида Алпомиш билан юзма-юз келади. Зарар кўрган сотувчидек иймайиб, бир ёбининг устида келаётган бу бола Қоражоннинг кўзига кичик бир тўрғай бўлиб кўринади. Бир-биридан «йўл бўлсин» сўраб қимлигини билган сўнг жанг қилишга тушади. Аввал отда кейин пастда қурашадилар. Етти кун талашиб, тортишиб охири Алпомиш ғалаба қозонади. Қурбонликка берилган серкадек Қоражонни кўтариб уради. Бўғзига пичок тортомққа шайланади. Шунда Қоражон унга ялинишга тушади. Қўрқанидан динидан ҳам кечганини айтиб, дўст бўлишни таклиф этади. Алпомиш ўйланиб қолади. Шундай ботир йигитга раҳми келади. Бир қалмоқни ўлдириб ҳеч

нарсаса эришолмаслигини, қолаверса, бу ерга ёлғиз келганини, ишонган бир киши бўлиши лозимлигини ўйлаб рози бўлади. Шу ернинг ўзида соч-сақолини олдириб, қалима қайтартириб, икки ракат намоз ўқиттиради. Бир-бирини меҳмон қилиб, қучоқлашиб дўст бўлади.

Алпомишнинг гавдаси катта бўлса-да, баъзан калта ўйлайди. У Қоражоннинг ёрдами билан Барчин билан тоғда учрашгач, унга биргаликда Бойсунга кетишни маслаҳат қилади. Баъзан заифа, ожиза деб қаралган аёллар эркаклардан кучлироқ ва теран фикрлироқ бўлишади. Алпомишнинг таклифини эшитган Барчин унинг нодонлигидан бироз хафа бўлади ва кетиб қолса, ортидан қалмоқлар ҳам лашкар тортиб йўлга чиқишини, ярим йўлга бормаи, етиб олиб, иккаласини-да асир олиши мумкинлигини айтади. Вазиятни мулоҳаза қилиб кўргач, Алпомиш ҳақиқатан ҳам шу ҳодиса содир бўлиши мумкинлигини сезади ва Барчиннинг қайтиб кетишига, ўзининг пойгада қатнашишига рози бўлади.

Белгиланган муҳлат тугаб, пойга куни белгиланади. Алпамыс ҳам Қоражон билан тоғдан тушиб, майдон сари йўл олади. Йиғилган қалмоқларнинг кўпчилигини кўрган Алпомиш Барчинни уларнинг орасида ёлғиз қолдиришдан кўрқади. Ўйлаб қараса, қалмоққа ёлғиз келган экан, ҳатто унинг ўрнига от чопадиган чавандоз ҳам йўқ. Дўстининг сиқилиб ўтирганини кўрган Қоражон ундан аҳволни билиб, пойгада Бойчиборга миниб Алпомиш тарафдан туриб ўзи қатнашишини, дўсти учун ҳар нарсаса тайёрлигини айтади ва тўқсон алпнинг бири бўлиб майдонга тушади.

Дostonдаги ҳар бир воқеа бош қахрамонларнинг янги қирраларини, бир қарашда илғаш қийин бўлган жиҳатларини намоён қилаверади. Алпомиш гоҳ ўта кучли ва ботир қилиб тасвирланса, гоҳида чорасиз ва ожиз бўлиб кўринади. Лекин бирор марта ҳам мантиқ бузилмаганини, ҳаммаси табиий тасвирланганини, инсон руҳияти худди руҳшунослар каби чуқур тадқиқ этилганини кўриб, аждодларнинг бадиий тафаккурига яна бир бор қойил қоласиз.

Қорақалпоқ дostonида ҳам Алпомишнинг ёри Бойсарининг қизи Барчинойдир. У ҳам отаси билан Бойбўри аразлашиб қолгандан кейин етти ёшида қалмоққа келади. Шу ерда воғга етади. Гўзал, одобли, хушмуомала қиз бўлиб камол топади.

Қорақалпоқ бахшилари Барчин образини шундай таърифлашади:

Талшыбықтай буралған,
Көргеннің ақылын алған,
Қаршығадай қыялланған,
Еки бети гүл-гүл жанған
Ап-аппак, Юпка додақ,
Шашбаўлары шашақлы,
Шашағы тола моншақлы
Узын бойлы, кең қушақлы...

Қорақалпоқ жировлари унинг гўзаллигини муболаға, ўхшатишлар воситасида аниқ тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Тасвир инжа ва ўзига хосдир. Яна шуниси ҳайратланарлики, бу тасвирлардан миллийлик, миллий рух уфуриб туради.

Унинг таърифини эшитган қалмоқ шоҳи Тойчихон ва қалмоқ алпи Қоражон унга ошиқ бўлишади. Бир-бирига ишонмаган бу қалмоқлар бир вақтнинг ўзида Қўкаманни бошлиқ қилиб совчи юборади. Барчин эса мана шу ўринда ўзининг теран фикрловчи, ақлли ва эҳтиёткор эканини намоён қилади. Иккисининг ўртасида уруш бўлиб халққа ёмон аталмаслик учун, энг муҳими, Алпомишнинг келишига умид қилиб, олти ойга қалмоқлардан муҳлат сўрайди ва бир шарт қўйишини, олти ой отини боқиб, пойгада ютиб чиққан чавандозга тегишини айтади. Бу иккала тараф совчиларига ҳам маъкул тушиб, олти ойга муҳлат беришади.

Барчин мардлик қилиб шарт қўйган, оти ўзган чавандозга тегишини айтган бўлса-да, унинг кўнгли фақат аташтирилгани – Алпомишни дейди. Кун ўтса, ой ўтгандай, ой ўтса, йил ўтгандай бўлиб, қаерда тепалик бўлса устига чиқиб ёрининг йўлига кўз тикади. Кези келганда ҳийла ишлатиб ёлғон сўзлашга ҳам мажбур бўлади. Тойчихон Қўкаманни юбориб, кўнгли кимда эканини сўраганда, фақатгина Тойчихонни дейишини шунинг учун кўнглини тўқ тутишини айтади. Чунки бундан бошқа жавоб Тойчихонни – юрт подшосини қониқтирмаслигини яхши била-

ди. Шунингдек, у сўзнинг кадрили жуда юксак кўяди. Ал-помиш билан учрашгач, Алпомиш унга Бойсунга бирга кетишни таклиф қилганида, калмоқларга сўз берганман, улар ҳам умид билан отларини боқмоқда, сен ё пойгада ютиб ол, ё ботирилигини кўрсатиб калмоқларни найза билан енгиб ол! - дейди.

Бутун дoston давомида Барчин ўзининг ақлли, мулоҳазали, эҳтиёткор эканини, ёрига садоқатли, яқинларига меҳрли киз эканини намоён эта боради. Дoston воқеалари асносида у янада мукамаллашиб, қорақалпоқ аёлларининг идеал образи даражасига кўтарилади.

Адабиётлар

1. Қаримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: «Маънавият» 2008.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-жилд. -Тошкент: 2001.
3. Қорақалпоқ фольклори. Кўп жилдлик. 1-8 томлар. -Нукус: «Қорақалпоғистон». 2007.

Туркий халқлар орасида «Алпомиш» (Ўзбекларда), «Алпамыс», (қорақалпоқларда), «Алпамыс ботир» (қозоқларда), «Алп Манаш» (олтойликларда), «Алпамша» (қозон татарларида), «Алпамша ва Барсин Хиллу» (бошқирларда) номлари билан машхур бўлган мазкур асарлар қарийб бир асрдан буён фольклоршунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Чунки дoston замирида туркий халқларнинг ўтмиши, бутуни ва албатта, келажак орзулари ўз ифодасини топади. Мазкур мақолада «Алпомиш» дostonи туркий халқлар фольклорининг ноёб бадиий ёлғорлиги сифатида этилади ҳамда ундаги бош қаҳрамонлар тавсифи ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

Вот уже почти целый век среди тюркских народов привлекает к себе внимание фольклористов произведение, ставшее известным под названиями «Алпомиш» (у узбеков), «Алпамыс» (у каракалпаков), «Алпамыс батыр» (у казахов), «Алп Манаш» (у алтайцев), «Алпамша» (у казанских татар), «Алпамша ва Барсин Хиллу» (у башкир). В эпосах отражаются прошлое, настоящее и будущее тюркских народов. Статья посвящается изучению дастана «Алпамыш», который является ценным письменным достоянием тюркских народов. Описываются главные герои дастана.

SUMMARY

The works known as “Alpomish” (among Uzbeks), “Alpamis” (among Karakalpaks), “Alpamis batir” (among Kazakhs), “Alp Manash” (among Kazan Tatars), “Alpamish va Barsin Hillu” (among Bashkirs) have been in the focus of attention of folklorists for a century among the Turkic peoples. The epos expresses the past, present and future of the Turkic peoples. The article deals with the study of the epic poem “Alpamish” which is a valuable manuscript of the Turkic peoples and are described the main characters of the epos.

ОСОБЕННОСТИ ПЕЙЗАЖА В ЛИРИКЕ А.ЖИГУЛИНА

Г.Ж.Алламуратова – кандидат филологических наук, доцент

Нукусский государственный педагогический институт имени А.И.Авниязова

А.Ж.Алламуратова – кандидат филологических наук, доцент

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сузлар: лирика, манзара, лагердаги мавзу, харбий мавзу, колыма ходисаси, фожиали мавзу, туғилган жойи.

Ключевые слова: лирика, пейзаж, лагерная тема, военная тема, колымский цикл, мотив трагичности, малая родина.

Key words: poetry, landscape, concentration theme, military theme, Kolima cycle, tragic motive, homeland .

В ранней лирике А.Жигулина ярко представлена одна из основных тем, которую условно можно называть «лагерной», так как в основу стихотворений данного цикла лег жизненный опыт нескольких лет, проведенных автором в заключении на Севере.

Ранняя лирика А.Жигулина почти полностью посвящена лагерной тематике, и мир природы предстаёт в скупых северных описаниях:

Звенел топор, потом пила.
Потом — последнее усилие.
Берёза медленно пошла,
Нас осыпая снежной пылью [1].

Мотивы трагичности, гибели пронизывают почти все стихотворения этого периода:

Его спилили поутру,
Оно за насыпью лежало
И тихо-тихо на ветру,
Звеня сосульками, дрожало...

Пейзажные зарисовки незримо связаны с лагерным бытом:

Зиме сто лет ещё мести,
Гудеть в тайге, ломая сосны,
А нам сто раз ещё пройти
Участок свой
По шпалам мёрзлым.

Привычка к смерти, которая насаждается в лагере, связана с картиной мира природы, где мёртвая берёза служит символом:

И, как глухой сибирский лес,
Как дальний окрик паровоза,
Нам стал привычен тёмный срез —
Большая мёртвая берёза.

Но стихотворение не заканчивается пессимистично, в его конце звучит надежда:

Берёза старая жила,
Упрямо почки распукалились.
На ветках мёртвого ствола
Серёжки желтые качались!..

С образами природы в стихотворениях колымского цикла связаны мотивы надежды на счастье, на свободу. И хотя с образами природы в стихотворениях раннего периода связаны надежды на свободу и счастье, природа в его стихах почти всегда осенняя, сдержанная. Поэт чаще всего описывает деревья: это берёза, сосна, клюква. Пейзаж неброский, описанный несколькими скупыми штрихами.

Таким образом, первый период творчества (конец 1950-х середина 1960-х годов) представляет собой «лирику испытания», имеющую два типологических варианта, базирующихся на двух темах: лагерь и война. В контексте всего творчества первый период лирики А.Жигулина прочитывается как испытание человека и преодоление негативного мира, завершающееся возвращением к позитивному жизненному пространству - «малой родине».

В 1966 году А.Жигулин пишет стихотворение, характеризующее начало творческого кризиса:

Всё труднее, всё труднее пишется
Слишком жизнь безоблачно светла...
Всё пустое, что теперь я делаю.
Я писать, как прежде, не могу.
Сердце - словно гильза обгоревая
Лишь слегка дымится на снегу...

Почти вся лирика этих лет эмоционально окрашена депрессивным настроением и ощущением законченности не только отдельного жизненного и творческого этапа, но и самой жизни, которая видится только в прошлом.

Теперь, если в его поэзии и встречаются суровые или мягкие, одухотворённые пейзажи, дающие надежду, то говорит о них поэт в прошедшем времени:

Я вернулся домой без гроша...
Только в памяти билось и пело
И берёзы дрожащее тело,
И костра золотая душа.

О северном прошлом уже вспоминается не с тоской, а с ностальгией:

Магадан, Магадан, Магадан!
Давний символ беды и ненастья.